

20-May, 2025-yil

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ХОДИМЛАР
ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ**

*ТАТУ “АКТСИ” кафедраси доценти
Н.Хасанова*

Замонавий корхонанинг инновацион маҳсулотларни яратишдаги илмий салоҳияти унда олиб борилаётган илмий-тадқиқот натижаларининг сифати ва сонига таъсир этувчи энг асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ходимларнинг хорижий тажрибаларга эгалиги ва ўз соҳалари бўйича етарли билимга, замонавий фан-техника ютуқларини тезкорлик билан ўзлаштира олиш қобилиятига эгалиги, турли соҳаларда мавжуд муаммоларни аниқ кўра билиши ва ўз билимларини ана шу муаммоларни ҳал этишда қўллай олиши корхоналарнинг инновацион фаоллигини, яратилган инновацияларнинг ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиш имкониятини оширади.

Бугунги кунда республикамиздаги илмий тадқиқот ишлари ва инновацион фаолиятни самарали амалга оширишга асос бўлувчи бир неча меъёрий хужжатлар мавжуд. Булардан, инновацион лойиҳаларни корхоналар фаолиятида тадбиқ этиш борасида “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти карорида хўжалик юритувчи субъектларни инновацион ривожлантириш таркибий бўлинмаларининг асосий вазифалари қўйидагилар этиб белгиланган:

1. Замонавий ускуналар ва технологияларнинг халқаро ва маҳаллий ишланмаларини ўрганиш, шу асосда замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг ҳар йилги ва ўрта муддатли дастурларини шакллантириш.
2. Маҳаллий амалий илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга буюртмалар жамламасини шакллантириш, шунингдек уларни жойлаштириш.
3. Амалий илмий тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларини корхона фаолияти амалиётiga тадбиқ этиш.

Ушбу қарордаги вазифаларни амалда қўллаш имконияти борасида республикамида илмий тадқиқот муассасалари ва корхоналарнинг инновацион фаолиятига ижобий баҳо бериш мумкин.

Иккисодиётни модернизациялаш шароитида инновацион маҳсулотларни яратиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш борасидаги инновацион бизнесни ривожлантириш лозим. Ушбу инновацион бизнесни амалга ошириш ёки ишлаб чиқариш корхоналарига тадбиқ этишда етарли билим ва салоҳияга эга бўлиш керак.

Инновацион бизнес соҳасида билимларга эгалик даражаси деганда инновация яратувчи-ихтирочиларнинг ушбу инновацияларни амалиётга жорий этиш бўйича кичик корхоналарни ташкил этиш ва бошқаришда етарли билимга эга бўлиши ҳамда уларни узлуксизлигини таъминлашни айтиб ўтишимиз мумкин.

20-May, 2025-yil

Мамлакатимизда инновацион товар, иш ва хизматларни яратишида замонавий лаборатория шароида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, янги билимларни ўзлаштириш борасидаги тадқиқотларни изчил давом эттириш нечоғлик аҳамиятга эга ҳисобланади.

Сўнги йилларда инновацион фаолият билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот муасссалари ва корхоналар сони ошиб бормоқда. Миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришда инновацион фаолиятга эътибор бериш ва уни рағбатлантириш, илмий-тадқиқот ишларида хорижий тажрибаларни қўллаш ва кадрлар илмий салоҳиятини ошириш асосий омил бўлади.

Инновацион фаолият учун илмий-тадқиқот ишларига керакли мутахасисларни жалб қилиш, уларда илмий-тадқиқот олиб бориш бўйича билим, малака ва кўнижмаларни шакллантириш, корхоналарнинг инновацион салоҳиятини яхшилаш учун хизмат қиласди.

Инновацион маҳсулотларни яратишида корхоналарнинг замонавий техник жиҳозлар ва ахборот воситалари билан таъминланган лабораторияларнинг мавжудлиги илмий-тадқиқотларнинг юкори даражада ўтишини таъминлаш, мураккаб илмий ҳисоб-китобларни ўта юкори аниқлик билан амалга ошириш имконини беради.

Корхоналарнинг инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш билан боғлиқ бўлган харажатларни амалга ошириш учун етарли молиявий маблағга эга бўлиши инновацияларга бўлган талабнинг ошишига хизмат қиласди. Шу нуқтаи назардан бугунги куннинг замонавий корхоналари инновацион фаолиятни самарали ташкил қилиш учун ҳар бир инновацион жараённи бозор талабидан келиб чиқиб амалга ошириши зарур.

Замонавий корхоналарда инновацион фаолият таркибини инновацион жараёнлар ташкил этади. Бу фаолият бир неча жараёнлардан ташкил топган бўлиб, улар бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган инновацион жараёнларни бошқариш учун хизмат қиласди.

Юқорида фикрлардан келиб чиқиб, замонавий корхоналарда инновацион фаолиятни ташкил қилиш ва инновацияларни яратишида, уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш жараёнини янада такомиллаштириш масалалари бўйича қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- корхоналарда асосий эътиборни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш билан биргаликда, мавжуд илмий салоҳиятини ривожлантириш, улардан самарали фойдаланган ҳолда инновацияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга қаратиш;
- замонавий корхоналар жойлашган минтақада фаолият юритувчи илмий-тадқиқот муассасалар билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш;
- корхоналардаги лабораторияларни техник жиҳатдан тубдан янгилаш ва рақамлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

20-May, 2025-yil

– корхоналарда инновацион махсулот яратувчи ихтирочиларга имконият яратиш, хорижий мутахассислар ва тажрибали илмий тадқиқотчилар билан ўкув курслари ёки семинарларни ташкил этиш.

Шуни айтиш жоизки, замонавий корхоналарда инновацион фаолиятни самарали ташкил этишга бўлган бундай ёндашув маълум бир худуд доирасида корхоналарнинг инновацион фаолиятини жонлантириш ва инновацион салоҳиятини ошириш учун хизмат қиласи. Бу эса, барча турдаги корхоналарнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш, маълум вақт мобайнида кадрларнинг ишлаб чиқариш ва инвестицион салоҳиятларидан фойдаланиш у ёки бу инновация кўринишдаги олинганд натижаларда намоён бўлади.

